

ПЕРИНАТАЛ ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИ ВА УЛАРДА ҚУЛОҚ, ТОМОҚ ВА БУРУН КАСАЛЛИКЛАРИ УЧРАШ ДАРАЖАСИ ҲАМДА ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ

Р. Х. Каримов, М. И. Авезов

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали, Урганч, Ўзбекистон

Таянч сўзлар: янги туғилганлик, неонатал давр, қулоқ, бурун, касаллик, чақалоқлар асфиксия.

Ключевые слова: новорожденный, неонатальный период, ухо, нос, болезнь, асфиксия новорожденных.

Key words: newborn, neonatal period, ear, nose, disease, neonatal asphyxia.

Мазкур тадқиқотда Хоразм вилоятида перинатал ўлимнинг тарқалиши ва келиб чиқиш сабаблари ўрганилиши натижасида ҳомиладорликнинг 22 ҳафталигида туғилиб 7 кунлигида чақалоқларнинг нима сабабдан нобуд бўлиши ҳамда қулоқ, томоқ, ва бурунда бўладиган ўзгаришларга боғлиқлиги ўрганилди. Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида бошқа туманларга нисбатан туғилиш кўрсаткичи юқори эканлиги аниқланди ҳамда текширишлар жараёнида ўлимга олиб келувчи сабаблар орасида энг юқори кўрсаткични юқори нафас йўллари касалликлари эгаллади.

ОЦЕНКА ПЕРИНАТАЛЬНЫХ СЛУЧАЕВ СМЕРТИ, УРОВНЯ И СОСТОЯНИЯ ЗАБОЛЕВАНИЙ УХА, ГОРЛА И НОСА

Р. Х. Каримов, М. И. Авезов

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии, Ургенч, Узбекистан

В данном исследовании результатом изучения распространенности и причин перинатальной смерти в Хорезмской области были выявлены причины смерти детей, в том числе связанные с патологией горла, носа и уха, родившихся на 22 неделе беременности и в возрасте 7 дней. В городе Ургенч Хорезмской области было установлено, что рождаемость была выше, чем в других районах, а среди причин, приводящих к смерти в процессе обследований, наибольший показатель занимали заболевания верхних дыхательных путей.

EVALUATION OF PERINATAL DEATH CASES AND THE LEVEL AND STATUS OF EAR, THROAT AND NOSE DISEASES IN THEM

R. X. Karimov, M. I. Avezov

Urgench branch of the Tashkent medical academy, Urgench, Uzbekistan

The study examined the prevalence and causes of perinatal death in Khorezm region and the causes of infant mortality at 22 weeks and 7 days of gestation, as well as changes in the ear, throat, and nose. In the city of Urgench, Khorezm region, the birth rate was higher than in other districts, and in the course of inspections, the highest number of deaths was caused by upper respiratory diseases.


Мавзунинг долзарблиги: XXI-аср, яъни янги технологиялар асрига келиб, замон талабига асосан кўпчилик соҳаларда катта ўзгаришлар ичида Тиббиёт соҳасида ҳам анча ўзгаришлар кузатилаётганлиги яққол кўриняпти [1,4,5].

Жумладан, тиббиёт соҳасига оид тиббий асбоб-ускуналар, лаборатор-инструментал жиҳозлар, тиббиёт ходимларнинг малака оширишлари натижасида билим савиясининг ошиши, оилавий поликлиникаларда, қишлоқ оилавий поликлиникаларда потронаж хизмати, даволаш-профилактика муассасаларида ҳомиладор аёллар маслаҳатхоналари ташкил қилинганлиги ва халқнинг онги маданий жиҳатдан ўсиб бориши натижасида юзага келадиган касалликлар ёшариб бориши кузатилмоқда [2,3,6].

Илмий изланишнинг мақсади: Хоразм вилоятида 2017-2020 йилларда перинатал марказда перинатал ўлимнинг ҳолатларини қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари билан боғлиқлигини ўрганишга қаратилган.


Текшириш усуллари ва танланган объект: Текширувимизга, Хоразм вилоят перинатал марказининг 2017-2020 йилларда ҳомиладорликнинг 22 ҳафталигида туғилиб, 0-7 кунлигигача яшаб, нима сабабдан нобуд бўлган чақалоқларнинг ретроспектив тарзда архив маълумотлари ва Хоразм вилоят патологик анатомия Бюросининг 2017-2020 йиллардаги биопсия ва аутопсия материаллари, шаҳар ва туманлар ўртасидаги ҳолатлар, ҳомиладорликнинг муддати, ёши, жинси, вазни, касалликнинг тури, перинатал ўлимга олиб келувчи ҳолатларга нисбий тарзда ажратган ҳолда ёндашилган.

Натижалар ва уларнинг таҳлили: Текширув натижаларига кўра, 2017-2020 йилларда вилоят перинатал маркази бўйича жами 565 нафар чақалоқ туғилган бўлиб, шундан 365 нафар ўғил жинсга, 200 нафар қиз жинсига мансуб эканлиги аниқланди. (1-расм).



1-расм. Янги туғилган чақалоқларнинг жинс бўйича маълумоти.

Туғилган чақалоқлар вазн жиҳатдан текшириб кўрилганда, 500-999 гр вазнда 25 нафар, 1000-1499 гр вазнда 53 нафар, 1500-1999 гр вазнда 108 нафар, 2000-2499 гр вазнда 91 нафар, 2500-2999 гр вазнда 44 нафар, 3000-3499 гр вазнда 59 нафар, 3500 ва ундан юқори вазнда 86 нафар чақалоқ дунёга келган бўлса, жами чақалоқларнинг 466 нафарини ташкил этган, қолган 99 нафар чақалоқ 500 гр вазнда кам бўлиб туғилганлиги аниқланди. (2-расм).



2-расм. Туғилган чақалоқларнинг вазни тўғрисида маълумот.


Текширишларни шаҳар ва туманлараро текшириб кўрилганда, Урганч шаҳрида 73 нафар, Урганч туманида 64 нафар, Хива шаҳрида 44 нафар, Хазорасп туманида 44 нафар, Питнак туманида 17 нафар, Хонка туманида 45 нафар, Боғот туманида 19 нафар, Янгиариқ туманида 27 нафар, Янгибозор туманида 39 нафар, Гурлан туманида 23 нафар, Шовот туманида 50 нафар, Қўшқўпир туманида 16 нафар чақалоқ дунёга келган бўлиб, жами 461 нафарни ташкил қилган бўлса, шундан 99 нафар чақалоқ Хоразм вилоятидан ташқарида ёки уйида туғилган бўлиши мумкин. (3-расм).

Касаллик билан туғилган чақалоқлар текширилганда, Асфиксия 20 нафар, Нафас бузилиш синдроми билан 245 нафар, Респиратор дистресс синдроми билан 80 нафаридан кузатилди.

Шунингдек, текширувлар жараёнида қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари патологиялари ҳам ёндош касаллик сифатида учраши қайд этилди. Жумладан: ЛОР-аъзолари туғма патологиялари 40 та ҳолатда, Ринофарингитлар 13 нафар, отитлар 12 нафарда ва ринитлар 11 та ҳолатда қайд этилди. Гипоксик ишемик энцефалопатия билан 32 нафар чақалоқга ташхис қўйилган. Лекин 99 нафар чақалоқ вазни 500 граммдан кам бўлиб туғилганлиги сабабли уларга ташхис қўйилмаган. (4-расм).




3-расм. Тугилган чақалоқларнинг шаҳар ва туман кесимида таҳлили.



4-расм. Тугилган чақалоқларда аниқланган касалликлар тўғрисида маълумот.

Ҳомиладорликни етилмаганлик муддати бўйича ўрганилганда қуйидагилар аниқланди. (5-расм).



5-расм.

Хулоса:

-2017-2020 йилларда Хоразм вилоятнинг Урганч шаҳрида бошқа туманларга нисбатан туғилиш кўрсаткичи юқори эканлиги аниқланди,

-Текширишлар жараёнида ўлимга олиб келувчи сабаблар орасида энг юқори кўрсаткични нафас олиш бузилиши синдроми эгаллади.

Тавсия: Шаҳарда юзага келган юқори кўрсаткич сифатида асосан ҳомиладорлик пайтида шаҳарлардаги ҳаракатланаётган автомашиналардан чиқаётган захарли тутунлар, оғир юкларнинг ҳомиладор онанинг кўтариши, ишловчи онанинг бола парваришга қадар иш вақтида бир жойда кўп ўтириб қолиши натижасида юзага келгани билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аганезов, С. С. Возможности снижения риска преждевременных родов с позиции доказательной медицины / С. С. Аганезов, Н. В. Аганезова // Акушерство и гинекология. – 2015. – № 4. – С. 62-69.
2. Анализ летальных исходов новорожденных с экстремально низкой массой тела / Т. Н. Углева, И. В. Колмаков, Е. Д. Хадиева // Материалы VII Ежегодного конгресса специалистов перинатальной медицины. – Москва, 2012. – С. 45.
3. Анализ перинатальных исходов при очень ранних преждевременных родах / О. Ф. Серова [и др.] // Акушерство и гинекология. – 2015. – № 4. – С. 32-37.
4. Байбарина, Е. Н. Переход на новые правила регистрации рождения детей в соответствии с критериями, рекомендованными Всемирной организацией здравоохранения: исторические, медико-экономические и организационные аспекты / Е. Н. Байбарина, Д. Н. Дегтярев // Российский вестник перинатологии и педиатрии. – 2011. – Т. 56, № 6. – С. 6-9.
5. Башмакова, Н. В. Анализ ведения преждевременных родов, закончившихся рождением детей с ЭНМТ: первый опыт в эру новых критериев живорождения / Н. В. Башмакова, А. В. Каюмова, О. А. Мелкозерова // Акушерство и гинекология. – 2013. – № 6. – С. 41-45.
6. Белова, Н. В. Совершенствование системы прогнозирования и профилактики рождения детей с врожденными пороками развития (по материалам Чувашской республики) : автореф. дис. ... канд. мед. наук / Н. В. Белова. – Казань, 2008. – 22 с.